



ЯНГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАВРИГА ҚАДАМ

Сўнгги ўн кунликда бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Мамлакатимиз қатор йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилди. Аввало, таъкидлашни истардим, бу демократик ривожланиш босқичидаги шунчаки анжуманлар эмас. Дипломатия ҳамкорлигидаги одатий форум ҳам эмас. Турли даражадаги фаол ва конструктив мулоқотлар, умумий тараққиёт учун фикр алмашиш имконияти, сермахсул алмашинувлар, кенгайтирилган шериклик, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг институционал механизмларини ўзида жамлаган минтақалараро шериклик платформасидир.

Чунки Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити, пойтахтимизда ўтказилган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йубилей Ассамблеяси глобал миқёсдаги муҳим сиёсий ва стратегик воқелик сифатида мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожини мутлақо янги босқичга олиб чиқди деб бемалол айта оламиз.

“Энг яхшилари ҳали олдинда”

Сўнгги йилларда Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Айтайлик, кейинги 7 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ўзаро товар айланмаси ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди.

Давоми 2-бетда

Ортга қайтмас ислохотлар

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ БОШ РЕЖАСИ

КЕЛАЖАКНИ ҚУТҚАРИШ ТАШАББУСИДИР

Бу йил мартнинг охири ва апрелнинг биринчи хафтаси серёгин бўлди. Осмондан тинимсиз ёғилган хайру барака ёмғиридан кейин ҳаво ниҳоятда тиниқлашди. Бунинг кўриб одамнинг бахри дили яйрайди. Бор ғубори ёмғир сувида чайилиб, ложувард тусга кирган осмонга термилганча ўйга толаман. Бу ёмғир барака ёғини бўлди. Зеро, ерга яхши ниятда уруғ қадаган деҳқонларнинг экинни илдиз отиб, ниш чиқаришида ушбу табиат ҳодисасининг таъсири катта.

Яна бир муҳим жиҳати — гоҳ шитирлаб, гоҳ шивалаб ёққан ёмғир кўклам нафасидан куч олиб куртак отаётган, гуллаб мева тугаётган дарахт ва буталар бошидан сув сочиб ғуборларини аритди гўё. Айниқса, янги экилган ниҳоллар ёмғир сувидан тўйиниб, дадил илдиз отишга чоғлангандек тасаввур уйғотади кишида.



Табиатдаги бу ўзгариш инсон қалбига кўчиб, юрагимиз тўридаги она заминни яшнатиш туйғусини янада оловлантиради. Маҳалла-кўй, эл-улус жамулжам бўлиб табиат қўйнига ошиқади, ёшу кекса — барча юртдошимиз мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатида фаол қатнашишга чоғланади.

“Яшил макон” лойиҳаси Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилда бошланган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари бугунги ва келгусидаги экологик вазият инобатга олиниб, дарахт экиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани, бу умуммиллий лойиҳани пухта тайёргарлик билан, пули, эгаси, сугориш тизими билан

амалга ошириш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Ўтган йилларда бу вазифалар ижросини таъминлаш, дарахт экиш, яшил ҳудудларни кенгайтиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш йўлида тизимли ишлар бажарилляпти.

Давоми 3-бетда

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

СОҲАНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ҲАРАКАТЛАРИДА ПЕШҚАДАМЛАРДАН БИРИ

Тараққиёт йўли

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини замонавийлаштириш, мураккаб тиббий амалиётлар камровини янада кенгайтириш бўйича ҳаракатлар жадал давом этмоқда. Эришилган натижалар қанча кўп бўлса, эришиш лозим бўлган вазифалар бундан-да бисёр.

Тиббиёт тизимини ривожлантириш жараёнида пойтахтимизда фаолият юритаётган, халқимизга халқаро даражада тиббий хизматлар кўрсатиб келаётган Миллий тиббиёт маркази алоҳида ўрин эгаллайди. Марказда жарроҳлик, урология, трансплантология, травматология-ортопедия, гинекология, кардиохирургия, нефрология, кардиология, эндокринология, кардиоревматология, стоматология ва бошқа бўлимлар мавжуд бўлиб, жами



169 турдаги 1000 дан ортиқ илғор тиббий асбоб-ускуна ўрнатилган. Марказ 500 ўринга мўлжалланган. Амбулатор ва стационар шaroитда 200 дан ортиқ турдаги ёрдам кўрсатилади. Бунда йилига 3000 дан зиёд юқори технологияли



жарроҳлик операциясини, жумладан, аортакоронар шунтлаш, эстетик-пластик хирургия, артропластика, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш кабиларни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Миллий тиббиёт маркази аллақачон халқимиз орасида тилга тушиб улгурди. Бунинг биринчи сабаби марказда катта тажрибага эга шифокорлар ҳамда энг замонавий технологиялар жамлангани бўлса, кейинги сабаби марказда амалга оширилаётган тиббий амалиётлар қиймат жиҳатидан хорижикидан сезиларли фарқ қилишидадир. Масалан, биргина буйрак трансплантацияси амалиётини оладиган бўлсак, харажатлар Ҳиндистонга қараганда 3-4 баравар арзонроққа тушмоқда.

Яқиндагина ишга туширилган АiС сунъий қон айланиш аппарати эса тиббиётимиз учун муҳим янгилик сифатида кутиб олинди. Дарҳақиқат, Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур аппаратнинг ишга туширилиши юрак жарроҳлиги соҳасида эришилаётган ютуқлардан бири бўлди. Мазкур илғор технология юрак операцияларида асосий роль ўйнайди. Қандай қилиб? Бу тизим жарроҳлик амалиёти вақтида юрак вақтинча тўхтатилган тақдирда беморнинг қон айланишини таъминлайди ва жарроҳликнинг хавфсиз кечишини кафолатлайди.

Давоми 5-бетда

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

ЕТУК ВА ФИДОЙИ КАДРЛАР — КОРРУПЦИЯСИЗ МУҲИТ КАФОЛАТИ

Иқтисодий, сиёсий жиҳатдан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган давлатнинг барқарорлигига тўсқинлик қилувчи ички хавфлардан бири коррупциянинг авж олишидир. Айниқса, бугунги тарихий янгиланишлар даврида бу иллат турли соҳалардаги ривожланиш барқарорлиги билан бирга, мамлакат хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдиддир.

Шу боис, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, унинг оқибатлари билан эмас, келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 7 апрель куни Парламентлараро Иттифокнинг 150-Ассамблеясидаги нутқида ҳам ушбу масалага тўхталиб ўтган Ўзбекистоннинг бу борадаги савий-ҳаракатлари қатъий ва ортга қайтмас эканидан далолат беради. Жумладан, Президентимиз “Бугунги кунда вакиллик органларимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришини, фуқаролик жамияти институтларини

қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам ўз зиммасига катта масъулият олган”, деди.

Гап коррупцияга қарши кураш ҳақида борар экан, жорий йил 5 март куни айни йўналишдаги ишлар таҳлили бўйича ўтказилган тарихий мулоқотга тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Зеро, шу куни Президентимиз эски форматлардан буткул холи равишда илк маротаба коррупция масаласида халқ вакиллари — депутат ва сенаторлар билан учрашув ўтказди.

Давоми 4-бетда

Инновация

“РАҚАМЛИ СУД” КОНЦЕПЦИЯСИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШОНЧINI ҚОЗОНА ОЛАДИМИ?

Суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини кафолатлаш ва суд ҳокимияти нуфузини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатларда ривожланаётгани кўплаб соҳалар, жумладан, суд тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар

га асос бўлмоқда. Айниқса, “Рақамли суд” концепцияси ушбу жараённинг узлуқсиз ва муҳим қисмига айланиши кутилмоқда.

“Рақамли суд” концепцияси суд жараёни-лари самарали, тезкор ва шаффоф бўлишини таъминлашга қаратилган инновацион ёндашув саналади. Замонавий технологиялар ёрдами-да иш юритувини оптимallasштириш орқали судларга ишончини янада оширади, адолатни таъминлайди ва фуқаролар учун қўлайликлар яратди.

Давоми 2-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Бугуннинг гапи

ЯНГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАВРИГА ҚАДАМ



Ботирали ШОДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспортлари ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёда минтақавий ялли ички маҳсулотнинг ўсиши бу йил олти фоизгача етади. Бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқоридир.

3-4 апрель кунлари Самарқанд халқаро аҳамиятта эга муҳим ва истиқболли жараёнлар, музокаралар майдонига айланди. Қадим ва афсонавий шаҳар Марказий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очди.

Саммитда икки минтақа ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Аҳамиятли томони, ушбу йирик анжуман биринчи марта минтақадаги етакчилар ва ЕИнинг юқори даражадаги вакиллари бир жойга жамланди.

Президентимиз ушбу учрашувни “**Марказий Осиё учун тарихий тараққиёт ва адолатли таъминлаш бўйича сезиларли ўзгаришлар бўлаётганини қайд этмоқда. Аҳамиятлиси, Президентимиз халқаро даражада илгари сурган ушбу ташаббуслар мамлакатимизда ҳам ўзининг амалийлиги ва жамиятнинг турли жабҳаларида татбиқ этилаётгани билан алоҳида ажралиб туради.**

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари барчани тўқинлантириб юборди.

66

Халқаро экспертлар ҳам Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий тараққиёт ва адолатли таъминлаш бўйича сезиларли ўзгаришлар бўлаётганини қайд этмоқда. Аҳамиятлиси, Президентимиз халқаро даражада илгари сурган ушбу ташаббуслар мамлакатимизда ҳам ўзининг амалийлиги ва жамиятнинг турли жабҳаларида татбиқ этилаётгани билан алоҳида ажралиб туради.

Юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғулари юксалди, ишонч янада мустаҳкамланди. Чунки бу минтақанинг бирлашуви, жипслиги, жадал ривожланиётгани, шундай юқори даражадаги анжуманларга Ўзбекистоннинг меъмонли қилаётгани эса ислохотларимиз жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани тасдиғидир.

Бугун дунё сахнида давом этаётган турли моҳорлар, геосиёсий зиддиятлар, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги хавфли

катта одамлари минтақалар ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, сармоялар ва савдо айланишини ошириш, “яшил” энергетика, рақамлаштириш, логистика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳалар, фан, таълим ва маданият йўналишларида ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ қатор муҳим масалаларни аънанавий шерикчилик асосида ҳал этишга келишиб олди. Мухтасар айтганда, икки минтақа ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий

мулоқотга янги туртки бера олди. Икки минтақа тарихда биринчи марта тенг мақомда бир-бири билан юзлашди.

Муҳокама марказига қўйилган ташаббуслар стратегик хусусиятга эга, ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, минтақалар инфратузилмасини кучайтириш, глобал таъминот занжирлари тикланиши учун муҳим. Масалан, биргина иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиши тўғридан тўғри хорижий инвестиция оқимини рағбатлантириш, минтақанинг рақобатбардошлигини ошириш, минг-минглаб янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшади деб ўйлабман.

Умуман олганда, Самарқанд саммити минтақалар учун катта дипломатик ютуқдир. Шунингдек, бу барқарор ўсиш учун янги имкониятлар очади, иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларидаги тараққиёт илдишларини мустаҳкамлайди. Минтақаларнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Европа Комиссияси Президенти таъбири билан айтганда, “энг яхшилари ҳали олдинда”.



Кучли парламент ҳаракати

5-9 апрель кунлари Ўзбекистон яна бир сиёсий-дипломатик характерга эга анжуманга меъмонли қилди. Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Парламентлараро Иттифок Ассамблеяси Марказий Осиё тарихида биринчи мартаба пойтахтимизда ўтказилгани мамлакатимиз, хусусан, Марказий Осиёнинг глобал сиёсий жараёнга интеграциялашувида муҳим қадам бўлди.

Бу парламентлар ўртасидаги алоқалар кенгайиши, дунёда тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш мақсадларининг бир нуқтада бирлашиши учун қулай майдон яратди, дейиш мумкин.

Президентимиз Парламентлараро Иттифок Ассамблеяси очилишидаги нутқида, аввало, Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ҳақида тўхталиб, инсон ҳуқуқлари

ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва давлат бошқарувини халққа яқинлаштириш Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилганини айтди. Қайд этилганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида парламент институтини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Кейинги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонун қабул қилинди.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан дадил одимлаётганини аниқлатади. Сиёсий ва дипломатик жиҳатдан қамрови нисбатда кенг бўлган бундай нуфузли анжуманининг юртимизда ўтказилиши ҳам Ўзбекистон парламентаризм ва барқарор ривожланишининг ижобий тажрибасига эга эканини кўрсатиб турибди.

Президентимиз нутқида кейинги ўттиз йилда жаҳон ялли ички маҳсулотига ҳажми 4,5 баробар ортгани ҳолда инсониятнинг қамбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармай қолаётгани, агар шу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб, дунё аҳолисининг 575 миллиони қашшоқликда умр кечирishi, 84 миллион бола таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиши таъкидланди. Ушбу фикрлар халқаро жамоатчилигини ҳам сергаклантирди, дейиш мумкин.

Халқаро экспертлар ҳам Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий тараққиёт ва адолатли таъминлаш бўйича сезиларли ўзгаришлар бўлаётганини қайд этмоқда. Аҳамиятлиси, Президентимиз халқаро даражада илгари сурган ушбу ташаббуслар мамлакатимизда ҳам ўзининг амалийлиги ва жамиятнинг турли жабҳаларида татбиқ этилаётгани билан алоҳида ажралиб туради.

Масалан, сўнгги йилларда давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳолини қамбағалликдан чиқариш, даромадини ошириш, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлашга эътибор нисбатда кучайди. Ҳозир кам таъминланган ҳар бир оила давлат буюмлари ва тегишли ижтимоий дафтарлар орқали моддий ёрдам олмақда.

Қамбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди. “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури юқори сафарбарлиш ва масъулият билан амалга ошириляпти, жараёнда нафақат ижро ҳокимияти, шу билан бирга, вакиллик идоралари ҳам бевосита иштирок этмоқда, ижтимоий тараққиёт учун парламент ҳаракати вазифасини бажаришга интилоқда. Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти 2024 йилда 6,5 фоиз ўсиб, ялли ички маҳсулот қарийб 115 миллиард долларга етди. Бу, албатта, жуда катта сиёсий иродатдан дарак.

“Жаҳонда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифок ва миллий парламентларимиз олдинда янги вазифаларни қўймоқда”, деди давлатимиз раҳбари.

Умуман олганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар жаҳоннинг турли минтақаларидаги низоларни ҳал этиш, иқлим ўзгариши, хотин-қизлар ҳуқуқлари, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ҳозирги кунда барча жабҳаларга кенг кириб келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш масалаларини қамраб олгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Эътиборлиси, бу нафақат Ўзбекистон манфаати, балки жаҳон ҳамжамиятига ижобий ва барқарорлаштирувчи руҳда таъсир этади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Муносабат

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — УМУМИЙ, ЎЗАРО БОҒЛИҚ МАНФААТЛАРГА ЭГА ЯҒОНА МИНТАҚА

Бугун Марказий Осиё умумий, ўзаро боғлиқ манфаатларга эга яғона минтақа сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Мисол учун, Қирғизистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш кўрсаткичи ўн қаррадан зиёда ошган. Албатта, бундай натижалар ортида ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик туради.



Дилмурод АРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентларининг жорий йил 31 март кунини Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган учрашувини Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида тарихий кун сифатида таъкидлаш мумкин.

Биринчидан, учрашувда уч давлат мустақиллигининг бутун даврида биринчи марта Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилинди.

Ушбу муҳим келишув мамлакатларимиз тарихида янги саҳифа очди. Узоқ йиллик муаммага чек қўйди ва бутун минтақа учун узоқ муддатли барқарорлик ва фаровонлик учун мустаҳкам пойдевор яратди. Аниқ белгиланган чегаралар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ва экологик ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар тақдим этади.

2017-2018 йилларда Ўзбекистон — Қирғизистон Давлат чегараси тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон Давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида чегаранинг айрим участкалари тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Иккинчидан, мазкур учрашувда чегаралардаги божхона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайтириш, қулай, замонавий савдо ва логистика инфратузилмасини шакллантириш зарурилги кўрсатиб ўтилди. Уч томонлама савдо майдончасини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий фаолияти кўрсатилган кўргазма-ярмаркасини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш тақдир этилди.

Учинчидан, мамлакатлар ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш

борасидаги ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бугун Ўзбекистон корхоналари ва хусусий компаниялари қўшни мамлакатларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга фаол сармоя киритмоқда. Кооперацияни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари қўшма инвестиция жамғармалари капиталини босқичма-босқич оширишга тайёригини билдирди. Бу авиакатновлар сонини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш, чегараолди ҳудудлардаги шаҳарлар ўртасида янги автобус йўналишларини йўлга қўйишнинг ўз ичига олади.

“Яшил” энергетика ва транспорт соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳалар, сув ва экология дастурларини илгари суриш диққат марказида бўлди.

Тўртинчидан, маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиш борасида ҳам мазкур учрашув янги қадам бўлди. Хусусан, шу кунларда Хўжанд шаҳрида қатор маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилаётгани халқларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Наврўз байрами кунларида чегараолди ҳудудларда қўшма концерт ва дўстлик фестивалларини ўтказишни тақдир этиб, келгуси йилда бундай тадбирларни Фарғона шаҳрида ташкил этишга тайёригини билдирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмон ҳузурида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзолади ва ратификация ёрлиқларини алмашди. Мазкур шартнома 2024 йил 18 апрель куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама саммитда имзоланган эди.

Тожикистон билан 2024 йилда товар айирбошлаш қиймати 700 миллион доллардан ошди. Учрашувда ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни тезлаштириш чоралари ишлаб чиқилишига келишиб олингани бу кўрсаткичнинг сезиларли оширишга замин яратди.

Умуман олганда, дунёда хавфсизлик масаласи долзарб бўлиб турган бир пайтда Марказий Осиё давлатларининг очиқ мулоқот, ҳурмат ва ўзаро ишонч асосида иш мураккаб масалаларни ҳам самарали ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиши қувонarli. Дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган бундай муносабатлар халқларимиз фаровонлиги, минтақа иқтисодий барқарорлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Инновация



Ҳозир “Рақамли суд” концепциясининг ҳуқуқий асоси яратилди. Яъни 2025 йил 30 январда Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Давлат дастуридан 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва ҳар бир йўналиш кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар ўрин олган. Хусусан, судлар фаолиятини рақамлаштиришни жадаллаштириш вазифаси доирасида судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини, “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш ҳамда Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида хорижий давлатлар илғор тажрибаларини кенг таҳлил қилган ҳолда мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш вазифалари белгилан берилди.

Юртимизда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича бугунги кунга қадар кўп иш қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорида амалга оширилиши белгилан берилган барча мақсад ва вазифалар бугунги кунда суд тизимига жорий қилиниб, судлар фаолияти янада такомиллашиб бормоқда.

Бунда судлар фаолиятига янги турдаги интерфол суд хизматларини жорий қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, орқига сансалорликларга чек қўйиш, фаолиятнинг очиқлиги ва шفافофлигини



Махсуда ДҶУМАТОВА,
Тошкент вилояти судининг
иқтисодий ишлар
бўйича судьяси

таъминлаш, суд қарорлари ижроси самардорлигини ошириш, электрон тартибдаги суд ва ижро ишларини юритишнинг замонавий механизмларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Судларда ишларни қўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви йўлга қўйилиб, уларнинг ахборот тизимлари Ўзаро интеграция қилинмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турлари кенгайтирилиб, ҳар бир муурожаатни қўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш имконияти яратилган.

Суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилма ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш каби жараёнлар суд процесси иштирокчиларига қулайликлар яратмоқда. Шунингдек, барча суд инстанцияларида ишларнинг судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимланиши ҳар бир судьяга ишларни сифатли, тўла, қатор монотлама қўриб чиқишга имконият яратди.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул



хабардор қилиш амалиёти жорий қилинди. Албатта, бу барча иштирокчилар учун жуда қулай амалиёт. Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан иш бўйича суд қарорларини тарафларга онлайн тарзда тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳозир судларга аризалар электрон шаклда келиб тушмоқда. Миллий электрон судлов ахборот тизими жорий этилиши натижасида тизимда иш юритиш самардорлиги сезиларли даражада ошди. Фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа муурожаат қилувчилар судларга бевосита ташриф буюрмай, уйи ёки иш жойидан даъво аризалари, аризалар, илтимосномалар ҳамда уларга

илова қилинадиган ҳужжатларни тўғридан тўғри электрон шаклда жўнатмоқда. Суд жараёнларининг бориши ҳақида хабардор бўлиб туриш ва ҳатто чиқарилган суд ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш имконияти мавжуд.

Шу ўринда судларда ишни қўриш муддатлари қисқаргани, суд ҳужжатларини тузиш ҳамда расмийлаштириш, суд статистикасига оид турли ҳисоботларни тайёрлаш жараёнлари автоматлаштирилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Биргина Тошкент вилоятига 2024 йилда жисмоний ва юридик шахслар томонидан 38 мингдан ортиқ муурожаат электрон шаклда

келиб тушган, шундан 37 минг 614 та иш электрон шакллантирилган ҳолда қўриб чиқилган.

Электрон маълумотлар базаси судда ишларнинг тўғри, тезкор ва қонуний юритилишини мунтазам назорат қилишни таъминламоқда. Электрон хизматлар ва ахборот коммуникациялардан кенг фойдаланиш соҳага доир процессуал муддатларга риоя этилишини тўла таъминлаб, иш юритиш юзасидан назорат олиб борилиши самардорлигини оширди.

Содда қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш имконини беради. Натижада судлар фаолиятига турли хилдаги аралашувларга йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш тадбирлари фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат қилишни эркинлаштирди. Одил судловга эришиш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шفافофлиқни таъминлаш, фуқаролар орқига овера бўлишининг олдини олиш ва юртдошларимизнинг судларга ишончи орттиришга замин яратди.



Ортга қайтмас ислохотлар

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ БОШ РЕЖАСИ

КЕЛАЖАКНИ ҚУТҚАРИШ ТАШАББУСИДИР



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Албатта, дарраҳт экиб боғ яратиш, яшил қоп-ламаларни кенгайтириш масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Зеро, бугунги кунда сайёрамизда рўй бераётган тупроқ деградацияси, чўлланиш, биологик хилма-хилликнинг камайиши, иқлим ўзгариши каби муаммолар тараққиётга жиддий тўсиқ бўлаётир. Натижада тоза ичимлик сув танқислиги, озиқ-овқат етишмаслиги, ҳаво сифатининг бузилиши, турли табиий офат ва тўфонлар инсон саломатлиги ва табиий мувозанатга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу глобал экологик муаммоларнинг барқарор ривожланишга етказётган эиёни ва унга қарши курашиш масаласи яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган халқаро тадбирларда ҳам кун тартибига кўтарилди ва уларга ечим топишда ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликни ку-чайтириш борасида фикрлашилди.

Жумладан, Президентимиз Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-Ассамблеясида сўзлаган нутқида бу масалаларга тўхталиб, давримизнинг ўткир муаммосига айланган, тараққиётга жиддий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгаришлари доимо диққати-миз марказида бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Париж битими доирасида ўз угле-род нейтраллигига эришиш борасида ўз зим-мамизга олинган мажбуриятларни тўлиқ ба-жариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим экани қайд этилди. Давлатларнинг иқлим сиёсати бўйича илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қай-та тикланадиган энергия манбалари ва “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш пар-ламентларнинг ҳам муҳим вазифасига айланса, албатта, салмоқли ютуқларга замин бўлишига уруғ берилди.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари Самарқанд халқаро иқлим форумида алоҳида таъкидла-ганидек, “Сўзимнинг нихосида “Биз Ерни аждодларимиздан мерос сифатида эмас, бал-ки фарзандларимиздан қарзга олганмиз”, деган машҳур ҳикматли иборани эслатиб ўтиш-ни истар эдим. Бугунги кунда бизнинг вазифа-миз — келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тад-бирларни кўришдан иборат.

Бунинг учун мулоқотларни мустаҳкамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган бар-ча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини уйғун-лаштириш зарур”.

Дарҳақиқат, инсоният тараққиётига раҳна солаётган экологик муаммолар ҳудуд ёки мин-тақа танламайди. Унинг ечимини топиш ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, илмий-амалий са-лоҳиятни бириштириш, яқдиллик билан иш олиб боришни тақозо этади. Бу борада “Яшил макон” лойиҳасининг аҳамияти бекиёс.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг маълум қилишича, 2021-2024 йилларда ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимиз бўйлаб 736 миллион туп дарраҳт ва бутта қўчати ҳамда қаламчаси экилган. 452 та яшил боғ, 254 та яшил жамоат парки ташкил этилган. Атроф-муҳитга хав-фи юқори бўлган йирик корхоналар ва уларга туташ ҳудудлар, чиқинди полигонлари, туман ва шаҳарлар атрофида яшил белбоғлар барпо қилинмоқда. Нукус, Бухоро, Урганч ва Тер-миз шаҳарлари атрофида “яшил қалқон”лар яратилди. Орол денгизининг қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” қўламини 2 миллион гектарга етказилди.



тизимга ҳозир 600 миллион тупдан ортқк да-рахт киритилган. Бу экилган ниҳолларнинг эгаси ва сугориш тизими бор-йўқлигини, ўз вақтида парвариш қилинаётганини электрон кузатиб бориш имконини беради. Қолаверса, жойлардаги экология инспекторлари ҳам жа-раёнда иштирок этиб, дарраҳтларнинг ҳолатини ўрганади.

Бутун ушбу тизим орқали барча вазирлик, идоралар, ҳокимлик ва тегишли ташкилотлар томонидан баҳор ва куз мавсумида дарраҳтлар экилгани бўйича ҳисобот яритилади. Унга да-рахтларнинг жойлашуви, тури ва бошқа маълум-отлар киритилади.

“Яшил макон” электрон платформасига киритилган маълумотларни кенг жамоатчилик ҳам кузатиб бориши мумкин. Қолаверса, аҳоли ўзи яшаётган маҳалла ёки дала четида экилган ниҳоллар ҳақида маълумот йўллаш имконига



ҳам эга. Ушбу ишлар мобил иловалардан фой-даланган ҳолда электрон бажарилади. Бу бир жиҳатдан, лойиҳанинг очкичилиги ва шаффо-филлини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи тарафдан, аҳолининг жараёнда фаол иштирок этишига имконият яратади.

Экологик мувозанатни таъминлашга йўнал-тирилган бу ишларга аҳолини янада фаол жалб этиш, экологик масалалардан хабардорлигини ошириш учун “Яшил макон” лойиҳаси доира-сидаги маълумотлар очкичилигини таъминлаш-га алоҳида эътибор қаратиляпти. Тизимда шу мақсадда махсус электрон модуллар жорий этилган. Улардан тўғри фойдаланиб, яшил ри-вожланишга йўналтирилган ташаббусларни рўёбга чиқариш мумкин.

Илм ва амалиёт уйғунлиги

Дарраҳт экиш, уни ундириш ва вояга етка-зиш осон иш эмас. Бунинг учун тажриба ва илмий ёндашув талаб этилади. Айниқса, бугун умумимиллий ҳаракатга айланган “Яшил макон” лойиҳасини тўла рўёбга чиқариш, кўкаламзор ҳудудларни кенгайтиришда барча ишни илм ва илғор амалиёт асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда “Яшил лойиҳа” лойи-ҳалаш институти давлат муассасаси фаолияти йўлга қўйилгани аини мудоао бўлмоқда.

Институт директори ўринбосари Фарҳод Деҳқоновнинг айтишича, муассаса жамоаси “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар-ни лойиҳалашда иштирок этмоқда. Жумладан, ташкил этилаётган янги боғлар, яшил жамоат марказлари, туман марказлари чегарасида барпо этилаётган яшил қалқон ва белбоғлар, ўрмон фонди ерида ўрмон яратиш лойиҳалари

бўйича ишлар қилиняпти. “Янги Ўзбекистон” массивларининг кўкаламзорлаштириладиган ҳудудлари лойиҳасини амалга оширишга ҳам кўмаклашиляпти.

Президентимизнинг тегишли фармониға мувофиқ, “Яшил макон” умумимиллий лойиҳа-сини янада омаллаштириш, экология соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллашти-риш ва илғор технологияларни жорий этишда қатор янгилик механизмлардан самарали фойда-ланиляпти.

Жумладан, давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблагнинг камида 50 фоиз яшил боғлар ва яшил жамоат паркларини ташкил қилиш учун “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган “Менинг боғим” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ўтган йили бу йўналишда 200 дан зиёд лойиҳа ғолиб деб топилди ва жойлардаги эко-логия тузилмалари буюртмаси асосида лойиҳа-лаш ишлари бажарилди. Бу боғлар 10 сотихдан 2 гектаргача бўлган майдонни ташкил этади.

Шу асосда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, эколо-гик вазият ўрганилган ҳолда боғлар ва қишлоқ хўжалиги ерларида ихота ўрмонлари барпо этилади. “Менинг боғим” лойиҳаси бу йил ҳам давом этипти.

Мазкур институт мутахас-сислари ўрмон хўжалиқларини ривожлантириш бўйича дастур-лар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳам соҳа ходимлари билан ҳамкорликда ишляняпти. Бу лойиҳаларни амалга ошириш ўрмонларни қайта тиклаш, майдон-инин янада кенгайтиришга хизмат қилади. Яшил лойиҳалаш бораси-даги чора-тадбирлардан яна бири

сотиш ишларини йўлга қўйиш орқали аҳоли даромadini оширишга ҳам замин ҳозирлай-ди. Мазкур тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам қўллаш мумкин.

“Яшил тараққиёт” йўли

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси бир йил-лик тадбир эмас. Бу хайрли ишнинг бардавом-лиги биздан кейинги авлодларнинг муносиб табиий муҳитда яшашига хизмат қилади. Шу боис, мазкур эзгу анъанани изчил давом этти-риш, янгилик ва илғор амалиётлар билан бойи-тиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тегишли давлат идоралари, халқаро ташкилотлар экспертлари, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда шу йўналишда ишлаб, “Яшил макон” умум-миллий лойиҳасининг бош режасини ишлаб чиқмоқда.



ишлаб чиқишда мазкур масалалар эътиборга олинган.

Шунингдек, экилган манзарали дарраҳт ва бутта қўчатларини илмий асосда хатловдан ўт-казиш тартиб-тамоили, қўчатлар хатлови маълумотлар жадалви ҳамда қўчатлар хатловида дендрологияга хос санок услубини яратишни қамраб олади.

Кўкаламзорлаштириш ва ўрмонлар барпо этишда жисмоний ва юридик шахслар ишти-рокини рағбатлантириш ҳамда иқтисодий манфаатдорлик механизминин йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу режани рўёбга чиқариш орқали экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши таъсирини номиштиш ва фуқароларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш мақсад қилинган.

Табиийки, бу борада қўзланган устувор мақ-садларга эришишда халқаро ҳамкорлигининг ўрни муҳим. Шу мақсадда яқинда Тошкентда “Яшил макон” бош режаси тақдимиға бағиш-ланган тадбир ўтказилди. Унда иштирок этган маҳаллий ва халқаро экспертлар, нуфўзли хал-қаро таъкилотлар вакиллари “Яшил макон” лойиҳаси нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақасида, балки бутун дунёда чўла-ниш, сув танқислиги ва иқлим ўзгариши оқи-батларига қарши курашишга қаратилган, ўрмон-ларни кенгайтириш ва экологик барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган муҳим ташаббус эканини алоҳида эътироф этди ва бу лойиҳани изчил давом эттиришни қўллаб-қувватлади.

Маҳаллий ва хорижлик экспертлар, олим-лар фикрича, “Яшил макон” лойиҳаси ўз ху-сусятига кўра инқилобий ҳаракат бўлиб, бу ташаббус одамларни табиатни асраш йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга ундайди. Сайёра-мизда ҳаёт доимоийлигини таъминлаш, табиат-га нисбатан оқилона муносабатда бўлиш ва она заминнинг ҳар бир неъматини асраб-авайлашга даъват этади. Шу жиҳатлари билан бу дастурни келажакни қутқариш стратегияси, десак мубо-лага бўлмайди.

66

Дарраҳт экиш, уни ундириш ва вояга етказиш осон иш эмас. Бунинг учун тажриба ва илмий ёндашув талаб этилади. Айниқса, бугун умумимиллий ҳаракатга айланган “Яшил макон” лойиҳасини тўла рўёбга чиқариш, кўкаламзор ҳудудларни кенгайтиришда барча ишни илм ва илғор амалиёт асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда “Яшил лойиҳа” лойиҳалаш институти давлат муассасаси фаолияти йўлга қўйилгани аини мудоао бўлмоқда.

магистрал ва темир йўллар бўйида ихота да-рахтзорлар барпо этишди.

Яшил ҳудудларни кенгайтириш учун, авва-ло, ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитига мос қўчат етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Сурхондарё вилоятида кенг қамровли ишлар бажариляпти.

— Шу мақсадда вилоят ҳудудида 49 гектар ер танланиб, текисланди. Ариқлар қазилди, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги бош мута-хассиси, биология фанлари номзоди Ҳожи-мурод Толипов. — Мазкур майдоннинг 12,8 гектарида қўчатхона ташкил этиш мўлжаллан-ган. Ҳозир 7 гектардан кўпроғида қўчатхона барпо этилди. Бу ерга асосан, маҳаллий иқлим шароитига мос қарағай, чинор, ўрик, шумтол, тут каби қўчатлар экилди.

Шу кунларда вилоятда бу ишлар қизгин давом эттирилиб, яна иккита ҳудудда янги қўчатхона ташкил қилиш бошланди. Бунинг учун танланган участкага минн техника ва зарур иш қуроллари ҳамда бошқа воситалар етказиб берилди. Жараёнга ҳам таъминланган оиаларнинг 800 га яқин вакили жалб этилди. Бу чора-тадбирлар яшиллик ривожига ҳис-са қўиш баробарида қўчат етиштириш ва

Бундан қўзланган асосий мақсад ҳар йили 200 миллион туп дарраҳт ва бутта қўчатини экиш орқали яшиллик қўламини, ўрмон билан қоп-ланган майдонларни кенгайтириш ва 6,1 мил-лион гектарга етказишди.

Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар бел-гилангани бежиз эмас. Зеро, бугун сайёрамизда тез-тез ўз бераётган қуроқчилик ва чанг бўрони, еринин шиддат билан деградацияга учраши ва чўлланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиши аҳоли саломатлиги ва фаровонли-ги, мамлакатлар тараққиётига жиддий тўғанок бўлмоқда. Глобал миқёсдаги бу экологик муам-лолар ечимини топпай туриб, мусаффо иқлим давомийлигини таъминлаш мушкул. Шу боис, жаҳон ҳамжамияти томонидан атроф-муҳитни асраш, экологик мувозанатни таъминлаш, таби-ят билан уйғун ривожланишга қаратилган чақириклар янграмоқда ва амалий ишларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Янги Ўзбекистоннинг устувор мақсадла-ридан бири ҳам “яшил тараққиёт” йўлидир. Бу йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосла-ри янги таҳрирдаги Конституциямизда мус-таҳкамлаб қўйилди. Шу асосда ташкилий ва амалий ишлар давом эттирилмоқда. Жорий



КОРРУПЦИЯ — жамият танасидаги саратон

ЕТУК ВА ФИДИОЙИ КАДРЛАР — КОРРУПЦИЯСИЗ МУЎЖИТ КАФОЛАТИ



Фарангиз АВАЗБЕКОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги бош инспектори,
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори

Бошланиши 1-бетда

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг мазкур йиғилишида мамлакатимизда ушбу иллатнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар самарадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Йиғилишдан асосий мақсад коррупциядан холи соғлом муҳит барпо этиш йўлидаги фаолиятни баҳолаш ва кейинги қадамларни аниқ белгилашдан иборат бўлди.

Давлат хизматини кадрлар билан таъминлаш ва уларни тарбиялаш жараёнидаги камчиликлар танқидий кўриб чиқилди. Мухим вазифа сифатида ишга қабул қилиш жараёнини тубдан очиқ ва шаффоф ташкил этиш, давлат хизматчилари миллий реестрини шакллантириш, шунингдек, кадрларнинг коррупцияга мойиллигини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича Президент фармони лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматини халққа янада яқинлаштириш, бунинг учун давлат фуқаролик хизмати сифати таркибини яхшилаш, шунингдек, давлат хизматчиларининг профессионал таркибини шакллантириш, соҳада коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу жараёнда коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш — энг устувор вазифаларимиздан.

Чунки, аввало, коррупция нопок ва ноқонуний манфаатлар йўлида давлат хизмати имкониятларидан фойдаланишда намоён бўлади. Бу ҳолат эса давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига олиб келади.

Сиёсий жиҳатдан коррупция мамлакатдаги ислохотларга билвосита қаршилик сифатида намоён бўлиб, амалдорнинг ўз манфаати нуктан назаридан мансаб ваколатларини суниестемол қилишида ифодаланади.

Халқимизда “Бўш қоп тик турмайди”, деган ажойиб мақол бор. Дафъатан маъносини дарров тушунгандай бўласиз: қорнинг тўқ бўлса — ярайсан, пулинг кўп бўлса — тетиксан. Ростдан ҳам шундайми? Гап фақат маблагнинг мавжудлигидими? Ёки мақсад фақат даромад топиш бўлиши керакми? Аслида, бу мақолни якка шахсга нисбатан ҳам, мўайян жамоа ёки ижтимоий гуруҳга ҳам жамиятга нисбатан ҳам ишлатса бўлади.

Ҳа, жамият ҳам жонли организм — дунёга келади, мунтазам ҳаракатда бўлади, ўзини ўзи такомиллаштиради. Охир-оқибат юксалди ё таназзулга юз тутади. Демак, у ҳам “тик туриш”га интилади. Унинг танасини тик тутадиган омил — иқтисодиёт. Умуман, жамият мураккаб механизм бўлгани учун мутахассислар уни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга бўлиб ўрганади.

Хар биримиз шахс сифатида яшар эканмиз, турмуш тарзимизда барча соҳанинг ўрнини кўрамыз. Оддий мисол: сайловларда иштирок этиб, ўз вакилимизни қонуни чикаруви органга сайлаймиз — сиёсий жиҳатдан фаоллашамиз. Ўқиймиз, соғлигимизни асрашга оид юмушларни бажарамиз, спорт, маданий ишлар, хуллас, ижтимоий соҳанинг фаол иштирокчиси бўламиз.

Яшаш учун эса моддий эҳтиёжларни қондиришимиз лозим. Бу ишлаб чиқарамиз, тақсимлаймиз, истеъмол қиламиз, иқтисодий

Шундай экан, коррупциянинг олдини олиш — давлат хизматига профессионал, ҳалол ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни маънавий-ахлоқий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашдан бошланади.

Мустақил ва очиқ танловлар — меритократия асоси

Бугунги кадрлар сиёсатининг бош ғояси — самарали бошқарув, сифати “халқчил давлат хизмати” ва “халқпарвар давлат хизматчилар корпуси”ни шакллантиришни назарда тутаяди.

Президентимиз таъкидлаганидек, энди давлат лавозимларида номзодлар қонун нормалари асосида фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Кадрлар “таниш-билиш”лар орқали давлат хизматига киритилмайди. Бундан буён очиқ ва шаффоф танлов асосида танлаб олинган, билимли, иқтидорли, салоҳиятли, халқнинг яхши кўрадиган, садоқатли кадрлар давлат хизматида олинади.

Ҳозир давлат органларида кимнингдир тавсияси ёки субъектив фикри эмас, балки барча учун тенг ва очиқ, **инсон омили** максимал камайtirилган, ҳар бир номзоднинг малакаси ва касбий компетенциялари соғлом рақобат негизиде, **мустақил танловлар** асосида **vasancy.args.uz** электрон портали орқали энг муносиб номзодлар танлаб олинмоқда. Мазкур тизим ҳеч қандай тўсиқсиз барчага танлов жараёнида онлайн қатнашиш имкониятини таъминлаб, жараёнда **непотизм, коррупциоген омилларни** чеклайди.

Бугунгача ушбу тизим орқали давлат органлари ва ташкилотлардаги вакант лавозимлар учун танловларда **4,1 миллиондан зиёд номзод** иштирок этди. Улар орасидан адолатли танловлар асосида сараланган

салоҳиятли хотин-қизлар, кучли мутахассисларнинг давлат органларида ишга киришда иштиёқи ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Малакали ва ҳалол кадрлар ислохотлар натижадорлигини таъминлайди

Ишени адолатли ва очиқ танлов асосида бошлаб, билим ва салоҳиятини намоён этган давлат хизматчиси фаолияти давомида тизимга **садоқат** ва **фидойилик** билан ёндашади. Ташкилотда лавозим ўсиши касбий ва шахсий компетенцияларга таъйинланган ҳолда қафолатланган бўлса, таниш-билишчилик ва коррупцияга ўрин қолмайди. Бундай шароитда кадрлар ўз билим ва маҳоратини



хизматини шакллантириш узоқ муддатли тараққиёт кафолати эканидан далолат беради. Масалан, Шимолий Европа мамлакатлари (Швеция, Финляндия, Норвегия), Сингапур ва Канадада кадрларни тайёрлаш ва баҳолашнинг кўп босқичли тизими жорий этилган. У ерда фақат малака эмас, балки шахсий ҳалоллик, хизмат этикаси ва коррупцияга чидамлилика ҳам асосий мезон сифатида қаралади. Очиқ танловлар, рақамли платформалар орқали кадрларни саралаш, хизматчиларнинг карьерасига онд очиқ маълумотлар базаси — буларнинг барчаси жамиятнинг давлатга ишончини мустаҳкамлаш ва фақат меҳнат орқали юқори лавозимга эриша олиш тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Шундай илгор тажрибаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган давлат

фуқаролик хизмати тизими марказида инсон, унинг билими, маънавий ғазилатлари ва жамиятга ҳалол ва садоқатли хизмат қилиш қобилияти туради.

Давлат хизматида гендер тенглик

Давлат бошқаруви органларида гендер тенгликни таъминлаш замонавий инклюзивлик стандартларига мос келиш билан бирга коррупцияга қарши курашишда самарали восита ҳамдир.

БМТ Тараққиёт дастури маълумотида кўра, раҳбарлик лавозимларида аёллар улуши 30 фоиздан ошган мамлакатлар **иқтисодий барқарорлик** ва **ижтимоий бардошлиликка** эга.

Ҳаҳон банки тадқиқотларига кўра эса гендер тенглик таъминланган давлатларда коррупция даражаси пасайгани кузатилади. Чунки **аёл раҳбарлар узоқ муддатли стратегия** ва **ижтимоий масъулиятга кўпроқ йўналтирилган** бўлади.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида давлат

бошқаруви тизимида **аёллар улуши илк бор 35 фоизга етганини** таъкидлаб, бу мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасидаги сиёсатнинг муҳим ютуғи эканини алоҳида қайд этганди.

Албатта, бу жараёнда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан йўлга қўйилган очиқ танловлар тизими, миллий кадрлар захираси, аёлларни раҳбарлик лавозимлари учун тайёрловчи махсус дастурларнинг аҳамияти катта. Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 7 мартдаги фармонида мувофиқ ташкил этилган “Раҳбар аёллар мактаби” дастури асосида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳасидаги энг фаол 243 хотин-қиз ўқитилиб, миллий кадрлар захирасига киритилди ҳамда салоҳиятига мос юқори раҳбарлик лавозимларига тавсия этилмоқда.

Ўзбекистонда аёлларни раҳбарликка тайёрлашнинг миллий модели бошқарувга хотин-қизларни жалб қилиш самарадорлигини ошириши, коррупция даражасини камайтиришни кўрсатмоқда. Зеро, хотин-қизлар ўз фаолиятида кучли интизом, юқори мулоқот кўникмаси, стрессга чидамлилик ва жамоавий қарор қабул қилиш маҳоратини намоён этади. Бу эса қабул қилинадиган қарорлар сифатини ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳокимиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Ҳалоллик вакцинаси” — иммунитет манбаи

Коррупцияга қарши кураш фақат жазо чоралари билан чекланмаслиги, балки инсонларда болалиқдан ҳалоллик, виждон, адолат ва қонунига ҳурмат туйғусини тарбиялаш орқали амалга оширилиши керак. Зеро, Амир Темур бобомиз ҳам “Темур тузуқлари”да давлатда тартиб ва барқарорликни адолат орқали таъминлаш мумкинлигини, бунинг учун, аввало, **ҳалол, пок виждонли** ва **салоҳиятли амалдорлар кераклигини** алоҳида қайд этган. Абу Наср Форобий эса раҳбар ақл-заковат, адолат ва тақвога эга бўлган жойда жамият равнақ топиши, ақсича, ёлгон ва манфаатпарастлик ҳукмрон жамият таназзулга учрашини уқтиради.

Президентимиз 2020 йил январида Олий Мажлиста Мурожаатномасида янги Ўзбекистон маънавиятида ҳалоллик, тўғрилик тамойили ҳаётимизнинг бош қадриятига айланиши, ижтимоий иллатлар, хусусан, коррупцияга қарши курашда жамоатчилик ролини ошириш масаласига алоҳида тўхталган эди.

Дарҳақиқат, жамиятда ҳалоллик, ростгўйлик, тўғрилик фазилатига эга бўлишга интилишнинг ялли ижтимоий ҳаракатга айланиши ижтимоий заруратдир. Агар барча болалиқдан “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмаса, ёш авлод ростгўйлик ва адолат руҳида тарбияланмаса, коррупцияни енгишининг иложи йўқ. Зеро, ҳалоллик — бу фақат ахлоқ эмас, балки давлат барқарорлиги ва халқ ишончи гаровидир.

Виждон, масъулият ва ҳалоллик — асосий мезон

Ҳозирги давр давлат хизмати тизимидан нафақат самарадорлик, ошқоралик ва профессионалликни, балки юқори даражадаги маънавий барқарорликни ҳам талаб этмоқда. **Ҳалол, компетентли ва садоқатли давлат хизматчилари** жамоасини шакллантириш шунчаки бошқарув вазифаси эмас, балки мамлакат барқарор тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга заруратдир.

Кўрилаётган чораларга қарамай, кадрларни танлаш ва тарбиялаш тизимида ҳали-ҳамон ечимини топмаган камчиликлар сақланиб қолмоқда. Айниқса, расмий статистикага кўра, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг 15 фоизи 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилаётгани таъвишланарли. Бу давлат хизматида фаолиятини энди бошлаган ёш кадрлар коррупция таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади. Демак, **кадрлар сиёсати нафақат касбий салоҳияти юқори, балки маънавий барқарор шахсларни тарбиялашга йўналтирилган бўлиши керак.**

Давлат хизматчилари реестрининг тасдиқланиши ҳамда номзодларнинг коррупцияга мойиллигини баҳолаш механизмлари ишлаб чиқиши бу иллатга қарши курашда тизимнинг профилактик жиҳатини оширадиган муҳим қадамдир.

Коррупция шунчаки маъмурий ҳуқуқбузарлик эмас, балки “жамият танасидаги саратон”дир ва бу касалликни фақат халқимиз билан биргаликда енгиш мумкин.

Шу сабабли маҳалла фаоллари, обрўли нурунийлар, имом-хатиблар, педагоглар, маданият ва санъат намояндлари, тадбиркорлар, ёзувчи ва шоирлар, жамоат арбоблари, депутатлар, сенаторлар — ҳамма коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантиришда бир ёқадан бош чиқариши лозим.

Бугуннинг энг муҳим вазифаси давлат хизматини халққа яқинлаштириш, унинг обрўсини кўтариш ва жамият ишончини мустаҳкамлашдир. Бунинг учун нафақат юқори малакали, балки **маънавий жиҳатдан етук, “номус”, “виждон” ва “масъулият” тушунчаларини кучли қадрият сифатида қабул қилган кадрлар корпусини** шакллантириш талаб этилади.

Ҳалоллик, шаффофлик ва халққа садоқат билан хизмат қилиш давлат хизматчилари учун фақат қадр танлаш босқичида эмас, балки уларнинг қундалик фаолиятини баҳолашда ҳам асосий мезонга айланиши зарур.

Чунки ҳар бир амалдорнинг маънавий ва ахлоқий қиёфаси, хатти-ҳаракати халқ кўз ўнгиде бутун давлатнинг юзи сифатида намоён бўлади. Бундай етук ва масъулиятли давлат хизматчилари корпусини шакллантириш бир маргалик ислохот эмас, балки тизимли, узоқни кўзлаган чора-тадбирларни талаб этади. Бу орқали эса давлат хизмати жамият манфаати ҳалол ва фидойи хизмат қилувчи, коррупцияга муросасиз ва адолат устуворлигини таъминлайдиган кучли таянчга айланади.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚУВВАТИ — ҲАЛОЛЛИКДА

соҳага аралашамиз, дегани. Маънавият эса, қайси соҳада бўлмайлик, бизнинг йўлдошимиз бўлиши даркор. Бироқ иқтисодий соҳанинг ўрни алоҳида эканини эътироф этишимиз шарт.

Сўзларимни баянлашароқликка йўйманг: мустақиллик ҳақиқий иқтисодий эркинлик берди. Янги иқтисодий тизим марказий бошқарув эмас, балки бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллана бошлади. Иқтисодий эркинликнинг асосий шарти бўлмиш хусусий мулкчилик юзага келди. Умуман, хусусий мулкдор — ташаббускор ва тадбиркор одам, ишлаб чиқариш ижодкори.

Бироқ унинг эркин “иқтисодий ижоди” учун қўникма, иқтисодий билим ва ҳатто иқтидор керак. Иқтидор аслида ҳаммада бор, фақат унинг кўзини оча билиш лозим. Жамиятини ривожлантиришни истаган давлат тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чоралар қўлайди, уларни рағбатлантиради. Чунки мулкдор одам, тадбиркор ё бизнесмен ўз эҳтиёжини қондириш учун ўзи ҳаракат қилади. У давлатдан “инъом” ёки “садақа” кутмайди. Меҳнат, ҳаракат ва изланиш билан ҳам ўзини, ҳам давлатни бойитади. Иқтисодиётнинг ривожланиш тарзи шундай.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси жамият фаровонлигини таъминловчи асосий кўрсаткичдир. Одамларнинг аниқ мақсадни кўзлаган иқтисодий ҳатти-ҳаракати ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг иқтисодий ҳаётини ташкил этади.

Демак, иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар, ислохотлар ҳамиша жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шу ўринда кейинги йилларда бу соҳада кўплаб муҳим ишлар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш зарур. Кўп эмас, ўн йилча ортга боқинг: оддий

конвертация масаласи тадбиркорларни қанча қийнади? Ёки экспорт маҳсулотлари учун белгиланган боғжона тўловларини айтмайсизми?!

Жамият иқтисодиётини ривожлантиради, десанг-у, тадбиркор олдида қатор бюрократик тўсиқлар турса, бунга қандай чидаш мумкин? Кейинги йилларда шу каби тўсиқ ва талабларнинг бартараф этилиши тадбиркорнинг қосасини янада оқартирди, десак муболага бўлмайди. Тадбиркорлик қилман, десангиз, бугун кредит беришда ҳам кўплаб имтиёз мавжуд.

Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун худди иқтисодиётнинг ўзи каби рақамларга асосланайлик. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизда пул кўпайди. Бу инвестиция лойиҳаларини барқарор молиялаштиришга асос бўлмоқда. 2024 йил якунига кўра, ажратилган жами кредит 275 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 300 триллион сўмдан ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Бу нима дегани? Яша, қандингиз ур, кичик бизнес, дегани эмасми? Чунки бериладиган кредит улуши ҳозирги 28 фоиздан 40 фоизга оширилиб, 120 триллион сўмга етказилади.

Иқтисодчилар таъкидича, тадбиркорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, банклар 2025 йилда четдан давлат кафолатисиз 6 миллиард доллар олиб киришни режалаштирган. Бизнес учун, йўл, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилмалар учун бу йил 35 триллион сўм, келгуси йили 43 триллион сўм ажратиш мақсад қилинган.

Тадбиркорларнинг 6,5 триллион сўм сармояс билан 24 минг ўринли меҳмонхоналар ишга туширилди. Келгуси йилда меҳмон ўринлари яна 30 мингтага кўпайди. Бу йил



ишга тушган 17 та йирик савдо ва туристик маскан ёнига келаси йили яна 25 та шундай мажмуа қўшилади.

Ишбилармонларнинг иш кўламига назар солсак, улар бу йил 11,5 триллион сўмлик 3 мингта давлат мулки ва 4 минг гектар ерни сотиб олиб, бизнес бошлашга ғувоҳ бўламиз. Келгуси йили ўз бизнесини амалга ошириш учун уларни яна 4,5 минг бино ва 6 минг гектар ер қутиб турибди. Ота-боболаримиздан қолган нақл бор: қимирлаган қир ошар. Қимирлаганининг ўзи ҳам, оиласи ҳам тўқ бўлади, ундан ортганига уйлар қуради,

болаларининг келажагига инвестиция қўяди, бизнесини кенгайтиради. Ҳалол ишласа, бўлди. Ҳа, айнан ҳалол тадбиркор бўлиш шарт. Ҳалол тадбиркор, деганда асосан, тадбиркорлик фаолияти билан алоқадор, даромад олишга қаратилган барча ҳўжалик операциясининг умумий ҳисобда тўлиқ акс эттирилиши билан боғлиқ фаолият ва шунга мутаносиб равишда солиқларни ўз вақтида тўлаб бориш тушунилади.

Шу ўринда яна юқоридаги саволга қайтсак. Гап фақат маблагнинг мавжудлигидими? Ёки мақсад фақат даромад

топиш бўлиши керакми? Япон мутахассислари бунга “йўқ”, деб жавоб беради. Япониянинг XVI-XVII асрларда яшаб ўтган ҳукумат амалдори С.Судзуки бугунги ривожланган япон иқтисодиётининг тамойилини ёки пойдеворини яратганлардан бири. У савдогарга ишончининг биринчи шартини унинг инфосифилиги ва ҳалоллигида кўради. Судзуки ғоясига кўра, тадбиркор мақсадини фақат даромад олишгагина қаратса, омадга эриша олмайдди. Унинг фаолияти замирида ҳам харидор, ҳам юрт, яъни давлат манфаати акс этиши лозим. У меҳнатни инфосифи билан биланлаштиради. Япон иқтисодиётининг жадал ўсиши ва япон тадбиркорлари муваффақиятининг сирини ҳам шунда.

Иқтисодиётнинг маънавий асослари бўлмас экан, яъни ҳар бир тадбиркор ўз ишига ҳалол ва виждонан ёндашиб, юрти манфаатларини уйғунлаштирмас экан, ўзи ҳам, жамият ҳам ривож топмайди. Аслида, ота-боболаримиз топганини ҳалол бўлсин, деган ният ва дуоларни бежиз ишлатмаган. Ҳалоллик бор жойда барака бўлиши ҳам ўғит сифатида ота-боболаримиз томонидан қайд этиб келинади.

Демак, бугун тадбиркор, хусусий мулк эгаси бўлишимиз учун давлатимиз томонидан имкониятлар яратилган экан, маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда иқтисодиётимизни гулратиштишга улуш кўшаверишимиз лозим. Зотан, ҳамма шароит муҳайё, кўрқмай бизнесни бошлайверинг ва ота-боболаримиз таъбири билан айтганда “ҳалолдан берсин”!

Камолитдин ТЎРАЕВ,
Ижтимоий маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

6

2025 йил 12 апрель, 75-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

f

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

Мулоҳаза

ОИЛА БАХТИ МОЛ-ДУНЁ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ-КУ!

Бу воқеага кўп вақт бўлгани йўқ. Туман марказий шифохонасига кириш йўлагига бўлаётган дабдабани кўриб, беихтиёр тўхтаб қолдим. Машиналар карвони, замонавий мултьфилм қаҳрамонлари шу ерда жамланганди.

ДАБДАБАЛИ ТЎЙ ҚИЛИШ ИЛЛАТИДАН ҚУТИЛИШ ЧОРАЛАРИ САМАРА БЕРЯПТИМИ?

— Нима бўляпти? — қўлида дафтар ушлаган, оқ халатли ҳамширага юзландим.
— Маҳалладошимиз Ҳалимжон ўғил фарзанд кўрганди, туғуруқхонадан олиб кетяпти, — деди бепарвогина.
— Дабдаба зўр-ку, бизнесменми?
— Қайда, Россияда ишлаб юради. Фарзандли бўлганидан хабар топиб келибди.
— Машинаси зўр-ку, ўзиникими?
— Нимасини айтасиз, Қўқондан ижарага олиб келибди, орзу-хавас қилган экан.
Нигоҳим набирасини бағрига босган она, келин, орзуманд йигитга тушди. Эғнида юпқа кийим, оёғига оққаси очиқ тапочка кийган келин совуқда дийдираб, бу хурсандчиликка шерик бўларди...
Фарзанд кўриш ҳар бир оила учун катта бахт. Аммо бир сониялик орзу-хавас деб шунча ортиқча сарф-харажатдан кимга наф? Бу пулга олани, турмуш ўртоғи учун иссиқ кийим-бош олиб берса бўлмайдими?

Иккинчи воқеа

Маҳалламизда Кимсанбой деган киши яшайди. Нафақага чиқиб, чоғроқ дўкон қурди. Савдо-сотик авжида, орттириб, уй-жойларини тиклади, ўғил ўйлаб, қиз узатди, дангиллама тўй қилди. Адашмасам, шу кунга қадар 5-6 бор умра сафарига бориб келди. Ҳозир ҳам зиёратга борувчилар гуруҳини шакллантириш, туристик фирмалар орқали саёхатга юбориш амаллари билан машғул.
Йўлимиз ўша манзил томонга тушиб қолди. Кўзим шохига атлас қийиқ боғланган, устига кимхоб ташланган новвос етаклаб бораётган икки ўсимирга тушди.
— Тўйга олиб кетиляпти, — масалала ойдиллик киритди шу ерлик танишим Шаҳобиддин.
— Кимсанбой ака ўғлини ўйлаб, набираларига хатна тўй қилипти. Қудаси тўй учун новвос олиб борапти-да.
— Новвос пичқоқа ярамайди-ку, — қора тусли жонлиққа разм соламан.

Ушбу мақолани қорақалпоқ тилида ҳам ўқиш учун QR-кодни сканер қилинг!

кимга фойда? Шунга кетадиган харажатларни оиланинг бошқа юмушларига ёки етимлар, якка-ёлғизларга инъом этса яхши эмасми? Исрофнинг катта-кичиги йўқ, Ном чиқариш, обрў қозониш, бошқалардан устун ёки пулдор эканини кўрсатиш, зиёфат, маросимларни бошқаларникидан бир неча баробар дабдабали, серчиқим қилиш ҳам мақтанишининг юқори кўринишларидан.

Ихчамлаштириш пайти келди

— Президентимиз раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни қадрлаш, кечаги кун билан бугунги куннинг фарқини яхши тушуниш, маҳаллада, тўй-маъракада ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, ҳалоллик ва шукроналик билан ҳаёт кечирини тушутириш ишлари бўйича жамиятимизда яхши таърибалар етишмаслигига эътибор қаратишга беғиз эмас, — дейди “Нуроний” жамғармаси Фаргона вилоти бўлими бош мутахассиси Ёрбек Тиллабоев. — Ҳақиқатан, бугунги тўйларимиз дабдабозлик ва исрофгарчилик маросимига айланиб қолди. Тўғри, табиатдан меҳмондўст, бағрикенг ва кўли очик халқмиз. Ҳар бир одам элга ош бериб, кўпнинг дуосини олгиси келади. Бироқ тўй қилиш учун бутун бир оила ййлаб меҳнат қилади, йнғади, теради. Аёллар эса сандиқ-сандиқ мато тўплайди, қуёв бола никоҳ маросими учун машиналар кортежини бюрутма қилишни бошлайди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТОНГЛАРДАН ТАРАЛУР ТИНЧЛИК НАВОСИ

Осуда тунлар, гўзал тонглари қаршилаб, тобора фазийеб тўчалар аро ишхонанг томон шошиш қанчалар завқли-а?! Болажонлар бочаю мактабда алоҳида қўриқлов хизмати бор, кўнгли хотиржам. Бегубор қалблари ҳеч нарсадан қўчимади. Ўз касбидан, ҳаётидан рози устозининг илик табассумидан меҳр олишга интилади. Шу ҳақда дўнлар эканмиз, дунёнинг турли бурчакларида уруш деган дахшат сабаб вайрон бўлган мактаблар, ҳар лаҳзаси таҳликада ўтаётган болалар ёдга тушади. Беихтиёр улар ҳақида ўйлай кетасан.

Айрим хорижий давлатларда мактаб ўқувчилари билин содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг нафратини келтиргани рост. Ҳеч бир юртда, ҳеч бир мактабда бундай хунрезликлар бўлмасин. Ногоҳон қалбимизни қоплаган зулмат йўлимиздаги мактабнинг фазидан ёришади. Бошланғич синф хонасидан жўровозда айтиладиган қўшиқ эшитилади. У одамни бир зум ўйга чўмдиради:

*Гулларга кўш керак,
Тинчлик керак бизларга.
Тинчлик керак дунёдаги
Барча ўғил-қизларга*

Ҳақрост, бу ёруғ оламда ҳаммага, хусусан, болаларга тинчлик керак. Дунёнинг нозу неъматини пойингта қалашиб ётсаю, бир бурда нонни тинчгина юта олмасанг. Қасрдай уйнинг бўлсаю, ўқ овозидан юрак ҳовучлаб яшасанг. Бундай тўқилиш нима учун керак? Халқимизнинг “Оч қорним — тинч қулоғим”, “Синч уйим — тинч уйим” каби мақоллари ўз маъносида қўлланганда, айнаи саволга асл ўзбекона жавоб бўлади. Айниқса, катталаримизнинг тилидан кўп эшитадиганимиз бу мақоллар замирида хотиржамлик, ҳаловат борлигини бутун ҳар қачонгидан кўпроқ англаб турибмиз.

“Шундай деганингга ҳам шукр”

Қумрихон аянинг ҳамма ўғиллари четда ишлайди. Ёгани олдида, ёмагани кетида. Кийиниш борасида ҳам қишлоқда унинг олдида тушадиган бирор хотин йўқ. Гап-гаштак, йиғинларда пулни катта-катта сарфлайди. Бошқа аёллар унга ҳавас қилиб, “Мардсиз-да, ўрғилай, бизнинг фарзандларимиз ҳам топармон-тутармон бўлсин”, дейди. Бироқ аянинг дарди ичиди. Шу гапларни эшитгани сари таши ялтирок, ичи қалтироқ одамга ўхшатади ўзини. Ҳар кунни хавотирда, негадир болаларидан кўнгли гаш бўлаверади. Ахир дунё алғов-далғов эмасми? Ҳали у мамлакат, ҳали бу мамлакатдаги ўғлини ўйлайди. Бир ерда ўрмон ёнса, бир жойда қучли зилзила. Бир юртда отишмалар тинмаётгани-ю, бир жойда халқ кўзгалгани ҳақидаги совуқ хабарлар. “Ишқилиб, шундай балолардан болаларимни, барча мусофирларни Ўзинг асра”, дегани деган. Ўғилларидан қай бири ватанга келмасин, айтадиган гапи шу: “Болам, шу ерларда ишлайверсанг бўлмайди-ми? Узоқнинг бугдйидан яқиннинг сомони, дегин. Бу интернет кургу ҳадеб сизлар томонларни кўрсатиб, бир нарсаларни айт-таверса, мен тинч ўтиргандай бўламанми? Ўзимиздаям ишнинг кўзини билганлар бойиб кетяптию ахир...”

Тобора ғанимат онаизорининг кўнглини кўтаришга чоғланган ўғиллар чиндан ҳам ҳеч бир юрт ўз Ватанингга етмаслиги, 1-2 йилда батамом қайтиб келишини айтади. “Шундай деганингга ҳам шукр, болам. Илоҳим, ўша кунларга етиб, сизлар билан бағри бутунлиқда, тинчликда ҳам бўлиб яшаш менга ҳам насиб қилсин”, деган кўйи яна дуо қилиб қолаверади она.

Ҳаётинг эътиқодимизга амал қилсак

Ҳа, биз азалдан бориға шукр қилиб яшайдиган халқмиз. Бу тўйгу бизни тинчликни ҳамма нарсадан устун қўйишга ундаб келади. Тинчликни энг азиз неъмат биламиз. Акс ҳолда ижобат бўлишга умид қиладиганимиз — дуоларимизда ҳам, энг аввало, тинчлик, омонлик бўлсин, дермидик? Бу сўзлар тилимизга ўрнашиб қолган. Оддий сўзлашуваримиз, ўзаро мулоқотлар

яқунида ҳам “Майли, тинчлик бўлсин”, деймиз. Яна шукр ила айтмазмики, биздагидек тинчлик, хотиржамликни бошқа бирор давлатда топиш мушкул. Зеро, юртимизга келажақ сайёҳлар эмин-эркин, яйраб нафас олаётганини, тинчлик неъматидан тўла баҳраманд бўлаётганини очик айтибди. Аслида, шундай бўлиши ҳам керак. Чунки бугунги геосийёсий вазиятда биз тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлида бор имкониятларимизни ишга соляпмиз. Нимагаки эришаётган бўлсак, айнаи шу тинчликнинг ҳиссаси катта. Бу борадаги ишларимиз бутун дунё нигоҳида экани эса янада собитқадамликка чорлайди. Адолат хола каби минг-минглаб юртдошларимиз узоқ ва яқин хорижда юз бераётган базис воқеаларни кузата туриб, тинчлик қанчалар бебаҳо эканини тан олапти.

Давлатимиз раҳбари “Кўқсарой” қароргоҳидаги ифторлик тадбиридаги нутқда таъкидлаганидек, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш учун бирдамлик, ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб борапти.

Тадбирда Президентимиз Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг “Қўлинг

меҳнат ва касбга ўргатиш жуда муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлади. Уларнинг қалби ва онгини заҳарлашга, ҳаётини издан чиқаришга қаратилган кўп-лаб таҳдидларни бартараф этишда кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, маҳалла фаоллари, ҳожиларимизнинг ўрни беқиёс экани айтилди. Улар янада фаолликка

меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин”, деган ўғити ҳаммамизнинг ҳаётинг эътиқодимизга айланиб кетганини айтиди. Ёшларимизни мана шундай руҳда тарбиялашда уларни

чақирилди. Чиндан ҳам бундай фаолликда гап кўп. Фақат ўзимизнинг фарзандимизгагина эмас, кўни-қўшни, маҳалладаги ёшларга ҳам кўз-қулоқ бўлиб туришимиз бугун,

айниқса, зарур. Дунё алғов-далғов бўлмаган, омон-омон замонларда ота-боболаримиз ёшларни безътибор қолдирмаган. Ваҳоланки, маҳалланинг боласи ҳам-манинг боласидай бўлган ўша даврларда билиб-билмай ҳар хил оқимларга қўшилиб кетиш, ота-онани-да моддиятга алмаштиришдек ўта хавотирли таъшилар бўлмаган. Бўлса ҳам дарров ўртага ташланган, маслахатлашилган, керакли тадбирлар қўлланган.

Бундан ўн йиллар аввал маҳалламиздаги бир аёлнинг ёлғиз ўғли ўзи билмай таққиланган ахборотларни тарқатгани учун қамалганди. Ҳалиги аёл бева эди. Биттаю битта ўғли ҳам шу қўйга тушганига ҳамма ачинди, қўлдан келганча емоқ-ичмокдан ёрдам қилди. Лекин онаизорга маънавий кўмак — ўғилнинг ёлғизлиги, айбосизлигини тушутиришда бирдамлик, ҳамжиҳатлик керак эди. Ёши улуг отахонлар, маҳалла отинойилари бу боланинг ҳақиқатдан муштиллар онанинг чиройли тарбиясини олгани, дарҳақиқат адашганини тегшили жойларга бот-бот айт-тавердилар. Янги оиласини ташлаб панжара ортига кетган ўша йигит оқланиб чиққан кун маҳаллада байрамга айланиб кетгани эсимда. Ўша кунгача ҳам ич-этини еб бўлган, сочлари қировдек оқарган онани юрак-юракдан йнглаб, қутлагандик. Кўрган-кечирганингиз шу бўлиб, ҳаммаси ортда қолсин, бу ёғига

фақат тинчлик бўлсин, деганимиз. Юқорида айтилган ҳаётинг эътиқод — дилимизда Яратгани зикр этиб, ишимиздаги унумни кўрсата олсак, ҳаммаси рисоладагидек бўлавериши рост экан. Яқинда ўша аёл билан кўришдим. Юзлари тўлишиб, набиралар қуршовида бахтдан яйраб яшайпти. Фарзандининг омонлиги, шундоққина бағрида яшаб, яхши бир ишда ишлаётгани уни ёшартириб юборибди. Насиб қилса, ўғлим шу уйлари қўшнilarни-кидек дангиллама қилади, деган орзуларини ҳаловатга алмашибди. Бошига иш тушган пайти дардини юзма-юз туриб айта олмаган Қирғизистондаги қариндошлариникига ҳам энди бемалол бориб, дийдорлашиб келаётганидан хурсанд.

Яқинда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентларининг Хўжандадаги тарихий учрашуви чоғи чегаралар бирдорлик чизиқларига айланганда ўша аёл сингари қанчадан-қанча юртдошларимизнинг ич-ийидан қувонганини тасаввур қилдик. Энди бир давлат аскари иккинчи давлат худудни томон ўқ отмаслиги яқин дўстликнинг, инсонийликнинг гўзал кўриниши. Бунинг ортидан эса тупроғи, дини, тақдирини бир, таъшишу қувончи ўхшаш халқларимиз ўртасида қариндош-уруғчилик, қўда-андалик ришталари янада мустаҳкамланишидан қувондик.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун бунарни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.

Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.

36811 нусхада босилди.

Офсет уссулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов

Мусахҳас: Шерзод Маҳмудов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-й

Ўза яқуни — 20:50 Тошхирлид — 23:40

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz

(71) 233-47-05